Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши.
2 ОКТЯБРЬ 1970 й
ЖУМА
№ 233 (6102)
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

✱ Аҳолига қулайлик

САРАТОВЛИКЛАР СОВҒАСИ

«Марказ-4» да саратовлик бинокорлар тошкентликлар учун учта тўққиз қаватли, тўртта тўрт қаватли турар-жой биноларини ва учта саноат маҳсулотлари магазинини қуриб берган эдилар.

Бугун

қардошларимиз «Марказ-5» микрорайонида яна бир кўркам бинони пардоздан чиқардилар.

Икки қаватли бино аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатади. Бинонинг биринчи қаватида гастроном, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинати ва алоқа узели жойлашади.

Бинонинг иккинчи қаватида ошхона, чойхона, ярим фабрикат маҳсулотлар сотиш бўлимлари ташкил қилинади.

Кадрларни ғоявий чиниқтирайлик

ТОШКЕНТ ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДА

Кеча

пойтахтда бўлиб ўтган партия активи йиғилишида КПСС XXIII съездидан сўнг йиғилган тажрибага асосан, кадрларни ғоявий-назарий тайёрлаш тажрибаси, партия маорифининг янги ўқув йили муносабати билан коммунистлар олдида турган вазифалар тўғрисида сўз юритилди. Мажлис қатнашчилари Ўзбекистон КП шаҳар комитетининг секретари **Р. Бобожоновнинг** докладини тингладилар.

Ўтган ўқув йилида партия маорифининг барча формалари бўйича 92 мингдан ортиқ киши ўқувга жалб этилди. 16500 коммунист ва партиясизлар В. И. Ленин асарларини ўқишди. Айниқса, раҳбар ходимлар ўртасида иқтисодий назариянинг актуал проблемалари бўйича назарий семинарлар ўтказиш кенг қўлланилди. Шаҳарда ташкил қилинган 60 дан ортиқ семинарда коммунизмнинг модий техника базасини яратиш бўйича Ленин таълимотлари, социалистик хўжаликнинг метод ва принциплари, илмий-техника революцияси ва унинг социал оқибатлари тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Партия ташкилотларида рефератларни ҳимоя қилишга тайёргарлик кўриш, диплом ишлари ёзиш, ленинча ўқувлар, ленинча жумаликлар ўтказиш, ленинча билимлар университети сиғнари назарияни ўрганиш формалари кенг тарқалди. Кўпгина партия ташкилотларида Ленин зачётлари муваффақиятли якунланди.

Шу билан бирга, шаҳар активи йиғилиши таъкидладики, баъзи партия ташкилотларида марксча-ленинча назарияни мунтазам равишда ҳозирги давр билан боғлаб ўрганиш, меҳнаткашларнинг билим даражасини ҳисобга олиш кўнгилдагидек бўлмаяпти. Комсомол ва коммунистларнинг бир қисми ўз ғоявий-сиёсий билимини ошириш устида мунтазам равишда иш олиб бормаяпти. Абразив буюмлари заводи, кўн фабрикаси, 153-қурилиш трести ва машғулотлар пухта тайёрланмаган ҳолда ўтказилади. Марксизм-ленинизм классикларининг асарларини ўрганилмаяпти. Илмий техника ва лойиҳа институтлари, муассасалар ва билим юртлари партия ташкилотларида машғулотлар ғоявий-назарий жиҳатдан пухта тайёрланмаган ҳолда ўтмоқда. Баъзи жойларда экономик категорияларни нотўғри тушуниш, амалий иш билан назария ўртасида узилишга йўл қўйиш ҳоллари бор. Ҳамма ерда ҳам раҳбар кадрларни ғоявий чиниқтиришга етарли эътибор берилмаяпти. Бунинг асосий сабаби сиёсий ўқувга тайёрланиш ва унинг мазмунида жиддий камчиликлар бор. Партия раҳбарлари томонидан марксизм-ленинизмни пропаганда қилишда формализмга йўл қўйилмоқда. Партия мажлисларида коммунистларга партиявий билим бериш муҳокама қилинади. Пленум ва район партия комитетларининг бюроларига бундай масалалар қўйилмайди. Кўпчилик ҳолларда қабул қилинган қарор юзасидан назорат қилинмайди.

Доклад юзасидан музокараларда Ленин район партия комитетининг секретари **И. Мельникова**, «Тошкабель» заводининг директори **Х. Алимов**, Киров район партия комитетининг секретари **Л. Бекқулбекова**, «Ташсельмаш» заводи партия комитетининг секретари **П. Юсупов**, шаҳар комсомол комитетининг секретари **С. Кудрявцев** ўртоқлар қатнашдилар.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан яқдиллик билан қабул қилинган резолюцияда таъкидланадики, янги ўқув йили партия тариҳи ва сиёсати назариясини ўрганишда янги давр бўлиб, коммунистик қурилишнинг ҳозирги замон талабларини ўз ичига олиши лозим. Бунда барча меҳнаткашлар КПСС XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун беш йиллик планни муваффақиятли бажаришлиги ва бажарилишига сафарбар этилиши керак.

Йиғилишда Ўзбекистон КП Марказий Комитети пропаганда бўлимининг мудири **В. А. Архангельский**, Тошкент область партия комитетининг секретари **Б. Абдураззоқов** ўртоқлар қатнашдилар.

ҚУВВАТ ОРТЯПТИ

Бугун

— Партия XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ ҳаракатига қўшилган комбинатнинг кўп кишилик коллективи юбилей йили топшириқларини ўринли адо этмоқда. — Тўққиз ойлик план муддатидан илгари ошириб адо этилди ва кўплаб қоғоз буюмлари ишлаб чиқарилди, — дейди Тошкент қоғоз комбинатининг директори Н. Сандвалиев. Маҳсулот таннархини камайтириш эвазига икки юз олтмиш минг сўмлик фойда кўрилди. Тўққиз ойлик планга қўшимча тўрт юз тоннадан ортиқ қоғоз, бир юз ўн тонна картон ҳамда йигирма минг сўмлик маданий-маиший буюмлар тайёрлаб чиқарилди.

Утган ойда республика Маданият министрлиги томонидан янги буюртма қабул қилинди. Ҳозир ана шу буюртма асосида экспериментал мактабларнинг ўқувчилари учун янги хил дафтар чиқарила бошланди.

Айниқса, қоғозсозлик саноатида ишлаб чиқарилган янги ва замонавий техникаларни жорий этишга катта эътибор берилмоқда.



«Средазэнергоцветмет» ишлаб чиқариш корхонаси мамлакатимиз ҳалқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ҳар хил приборлар тайёрлаб бермоқда. Бу приборлар қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида кенг қўлланилаётир.

СУРАТДА: [чапдан ўнгга] зарбдор приборсоз слесарлардан Инна Морозова ва Алла Сиромятникова.

корхона цехида ўрнатилган қоғоз тайёрлайдиган 4-машина ишга туширилди. Бу машина бир йилда ўн минг тонна қоғоз ишлаб чиқаради. Янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзгартиришда баъзи бир техника жиҳозлари мос келмеди. Шунда янги деталларни завод слесарларининг ўзлари тайёрлаб бердилар. Дафтар цехининг бошлиғи Н. Каюкова бу ишни яхши йўлга қўйди. Натижада сентябрь ойида республикамиз ўқувчилари учун уч юз минг дона ана шундай дафтар тайёрлаб беришга муваффақ бўлинди. Юбилей йилининг қолган уч ойида шундай дафтарлардан яна саккиз юз минг таси тайёрлаб чиқарилади.

Комбинат коллективи меҳнат унумдорлигига эришиш йўлида 1970 йилда кўпгина тадбирларни амалга оширди. Бунда техника тараққиёти жуда қўл келди. Масалан, комбинатда қоғоз массалари тайёрлайдиган олтмиш беш куб метр ҳажмдаги қўшимча ҳовуз барпо этилди ва фойдаланишга топширилди. Қоғоз тайёрлайдиган машиналарга автоматик регуляторлар ўрнатилди, иккита эстакада қурилди. Ана шу эстакада ёрдамида тайёр маҳсулотлар транспортга ортилади.

Меҳнатни илмий ташкил этиш плани бўйича ремонт-механика цехида олиб борилаётган реконструкция ишлари тугалланай деб қолди.

Октябрь ойида ҳам бир мунча зўр бериб ишлашга тўғри келмоқда. Чунки, коллектив беш йиллик топшириқларини Улуғ Октябрнинг 53 йиллигига бажаришга сўз берган.

Бундан ташқари пахта йиғим-терими мавсумида ҳам деҳқонларга яқиндан ёрдам берилятпи. Ишчи-хизматчилар шанба ва якшанба кунлари пойтахт область далаларида етиштирилган «оқ олтин» ҳосилини териб олишда ёрдамлашмоқдалар.

Ҳозир «Пахтаорол» районидаги «Коммунизм» совхозида комбинатнинг олтмиш ишчи-хизматчиси меҳнат қилятпи.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

✱ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

КЕЛГУСИ БЕШ ЙИЛЛИК ҲИСОБИГА

«Главташкентстрой»га қарашли кўпгина қурилиш индустрияси корхоналари орасида бир меъёрда ишлашда Қўйлиқ норуда материаллар комбинати биринчи ўринда туради. Корхона коллективи йил сайин шағал, қум ва бошқа материаллар тайёрлаш планини ортиғи билан бажармоқда.

Сентябрь ойининг охирги кунларида карьер барча кўрсаткичлар бўйича беш йиллик планни ортиғи билан бажарди. Пландаги 11.955 минг сўмлик ўрнига 12.100 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. 12.030 минг сўмлик ўрнига 12.558 минг сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқарилди. Тошкент қурувчилари 914,5 минг кубометр бойитилган материал олишди.

Ўтган йиллар мобайнида карьерда катта ўзгаришлар рўй берди. Сергели карьери корхонадан алоҳида ажралиб чиқди. Ускуналарни такомиллаштириш ва янгилаш туфайли Қўйлиқ ишчилари ўз зиммаларига юкланган вазифани ортиғи билан ado этишди. Шағал майдалагич цехларининг қуввати оширилди. 1-цех фабрикаси бутунлай қайтадан жиҳозланди. Транспорт лентали конвейтирилиши ҳисобига саралаш комплексининг иш унумдорлиги анча оширилди.

Тоғ қазиш цехи янги ускуналар билан жиҳозланди. Ҳозир Чирчиқ соҳилларида тўрт кублик электр экскаваторлар ишламоқда.

Карьер коллективи КПСС XXIV съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун янги марралар сари интилмоқда.

Янги буюртмалар

Тошкент — жаҳонга

БИРИНЧИ МАРТА

Бугун

Узбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи коллективи биринчи марта Марказий Африка Республикаси буюртмасини бажаришга киришди.

Корхона шу билан йигирма бешинчи мамлакат буюртмасини бажаряпти. Ер юзининг Африка, Осиё ва Европа қитъаларида «Узбексельмаш» маркаси қўйилган сеялка, подбор терши ва кўрак чувиш машиналарига талаб катта бўляпти.

●

ВАГОН ПАРКИ БОЙИДИ

Қардош ленинградлик дўстларимиз Узбекистон пойтахти меҳнаткашларига ажойиб электротранспорт вагонлари ҳадя этдилар.

Улар «ЛМ-68» типидаги тезюрар, юмшоқ комфортабелли ўн тўртта вагон-поездларни Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси ихтиёрига юбордилар.

Энг янги замонавий техника билан жиҳозланган трамвайга бир йўла икки юз эллик йўловчи сиғади. Янги трамвай соатига етмиш километр йўл босади.

Вагон-поездлар тошкентликларга хизмат қила бошлади.

«Шарқ» мебель фирмасида жиҳозларнинг янги хиллари ишлаб чиқариладиган бўлди. Янги буюмга биринчи бўлиб «Узглавмедхозснаб» буюртма берди. Уларнинг буюртмасига биноан тайёрланадиган янги хил шкафлар ва столлар ҳар хил медицина ташкилотлари, поликлиника, касалхона ва клиникаларга юборилади. Инженерлар ва конструкторлар ана шу буюмлар учун зарур техника ҳужжатларини тайёрладилар. Цехларда эса янги буюмларнинг деталлари тайёрланмоқда ва йиғилмоқда.

Фирмада маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планини ҳам муваффақиятли бажарилмоқда. Иваново мебель комбинати билан мусобақалашаётган коллектив КПСС XXIV съезди шарафига қабул қилган оширилган социалистик мажбуриятида юбилей йили планига қўшимча олти юз минг сўмлик маҳсулот бериш қайд қилиб ўтилган эди. Мажбурият ўринли бажарилмоқда.

Бугун


мебелсозларнинг тўққиз ой мобайнида планга қўшимча берган маҳсулотлари тўрт юз эллик минг сўмдан ортди. Улар октябрь ойини ҳам зарбдор ой, деб белгиладилар. Ишчи-хизматчиларнинг бир қисми пахта йиғим-теримига ёрдамга кетган. Бу ерда қолганлар эса, уларнинг нормасини ҳам бажаришга бел боғладилар.

Барча цехларда хомашё ва материаллардан тежаб-тергаб сарфлаш учун бошланган кураш давом этмоқда. Коллективнинг эътибори ўн олти минг сўмлик материал, бир юз эллик минг киловатт-соат электр энергияни тежашга қаратилган. Рационализаторлик таклифларини ҳамда НОТ планларини ишлаб чиқаришга жорий этиш йўли билан беш йиллик жамғармасига ўн бир минг сўм қўшилади. Йиллик планни Совет Конституцияси кунига бажаришга аҳд қилинди.

Янги лаборатория

Навоий ва Усмон Юсупов кўчалари қўшилган ерда жойлашган «Узгипроводхоз» лойиҳа институтининг ёнида тўрт қаватли бино қад кўтаради. Янги бинода институт лабораторияси жойлашади.

Олтмиш ҳонадон ортиқ бўлган бу лабораторияни БУГУН «Отделстройга қарашли 2-қурилиш бошқармаси азаматлари қўлдан чиқардилар.



Тошкент 1-уйсозлик комбинати бинокорлари шаҳримиз қурилишларига кўплаб тайёр панель уй деталларини ишлаб чиқармоқдалар. Комбинат ишлаб чиқарган янги панель намуналари Узбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида намойиш қилинаётир.

СУРАТДА: комбинат ишлаб чиқараётган қурилиш панелларн.

М. Нуриддинов фотолари.

Тонгги газеталарда

◆Озарбайжон ССР ва Озарбайжон Компартиясининг 50 йиллиги тантаналарида қатнашиш учун Узбекистон делегацияси Бокуга жўнаб кетди. Делегацияга КПСС Марказий Комитетти Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бошчилик қилмоқда.

◆Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Руминия Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш тўғрисида СССР Олий Советти Президиумининг Фармони эълон қилинган.

◆Ҳиндистон Республикаси Президенти доктор Варахагири Венката Гириниинг Совет Иттифоқида бўлиши тўғрисида ахборот эълон қилинган.

✱ *Изланишлар, янгиликлар*

ЭРАМИЗДАН ЕТТИ АСР ИЛГАРИ

Кун-кеча Узбекистон ССР Фанлар академияси тарих ва археология институтининг бир группа илмий ходимлари Фарғона воҳасига жўнаб кетишди. Улар қадимги Қува шаҳри марказида эрамиздан саккиз-еттн аср илгари қад кўтарган шаҳар топилмаларини текширадилар.

Олимларнинг изланишлари кўҳна Фарғона воҳасининг ўтмиши, ўзбек халқининг миллий санъати, динга бўлган муносабати тўғрисида аниқ фикрлар беради.

Студентлар кучи билан

Энгельс кўчасида физкультура институтининг ўқув корпусларидан бири жойлашган. Ўқув корпуси ҳовлиси шу вақтгача қаровсиз эди.

Бугун

спорт ўйинлари ва педагогика кафедралари ўқитувчиларининг **ташаббуси билан ҳовлида спорт майдончаси қурила бошланди.**

Ҳашар йўли билан ташкил қилинаётган майдончада студентлар машғулотдан кейин меҳнат қилишмоқда. Бу ерда фақат студентлар кучи билан иккита волейбол ва баскетбол ҳамда қўл тўпи майдончалари қурилятпи.

Ватанга 4.400.000 тонна пахта берамиз

УЛКАН ХИРМОНГА

Хўжалик буюмлари заводининг саксон кишидан иборат ишчи ва хизматчилари Сирдарё область Ёттисой районидаги «Ёттисой» совхозининг биринчи бўлими далаларида совхоз ишчилари билан бир сафда туриб «оқ олтин» теришмоқда.

Завод дастгоҳларн ёнида қолиб ишлаётганлар ҳам шанба ва якшанба кунлари 2-«Пскент» совхози далаларига чиқиб пахта теришмоқдалар. Масалан, ўтган шанба ва якшанба кунлари совхознинг олтинчи бўлимида пахта терган заводнинг юзга яқин ишчи-хизматчилари 4139 килограмм «оқ олтин» териб бериш билан улкан хирмонга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

— Сизнинг институтингиздан неча киши ҳашарга кетди!

— Бугун деҳқонларга яқиндан мадад бериш учун юз кишилик бригада кетди. Бир ҳафтадан кейин уларга яна эллик киши қўшилади. Пахта териш учун асосан ёшлар боришяпти. Лойиҳачи-инженерлар Сирдарё область Ёттисой районидаги Ленин номли совхоз далаларида кумуш тола теришади. Улар юбилей йилида ўтган йилга қараганда кўпроқ пахта теришмоқдалар. Масалан, ўтган шанба ва якшанба кунлари совхознинг олтинчи бўлимида пахта терган заводнинг юзга яқин ишчи-хизматчилари 4139 килограмм «оқ олтин» териб бериш билан улкан хирмонга тўрт юз тонна.

— Бу йил пахта теришга биринчи марта бораётган ҳашарчилар ҳам бормн!

— Ҳа, бригаданинг йигирмага яқин аъзоси биринчи марта пахта теришади. Улар ҳам ҳар куни совхоз хирмонига камида 50-60 килограммдан пахта тўкишга аҳд қилишди.

Ўтган йилги каби бу йил ҳам ёшлар ўз ансамблини тузишади. Улар вақти-вақти билан дала шийпонларида бўлишиб, ҳашарчиларга, деҳқонларга концертлар қўйиб беришади. Ҳар беш кунда деворий газета чиқарамиз. Илғорлар мақталади, данғасалар эса танқид қилинади...

Шу куни пойтахтдаги яна кўплаб муассасалардан ҳашарчилар пахтазорга жўнаб кетишди.

ЛОЙИҲАЧИЛАР ҲИММАТИ

Шаҳар кўчаларн шу кунларда «оқ олтин» далаларига йўл олган пойтахтлик студент ва ишчи ҳашарчилар билан гавжум. Автомашиналар пештоқига «СИРДАРЁ ОБЛАСТИГА», «4 МИЛЛИОН 400 МИНГ ТОННА УЧУН» деган ёзувлар осиғлиқ.

Ҳа, пойтахтлик ҳашарчилар Сирдарё областининг турли районларига йўл олишяпти. Штатсиз мухбиримиз Бутунттифоқ алоқа лойиҳа институтининг Тошкент бўлими партия ташкилоти секретари В. И. ХЕГАИ билан учрашди.

●

ФУТБОЛ

ТОМОШАБИНЛАР ЗЕРИКИШМАДИ

Кеча

Тошкентдаги Марказий «Пахтакор» стадионида майдон эгаларн футбол бўйича СССР биринчилигининг навбатдаги турида мамлакат экс чемпиони — Киев шаҳрининг «Динамо» коллективини қабул қилдилар.

Уйиннинг бошланиши меҳмонларнинг бу сафар икки очко олиш ниятида эканликларини кўрсатди. Командининг, айниқса, ёш ўйинчиси Кашчей актив ўйнайди. 13-минутга қадар у ҳисобни очиш учун икки марта қулай имкониятга эга эди. Учинчи имконнятдан у тўла фойдаланди. Жарима майдони яқинидан унинг зарб билан тепган тўпини Любарцев қайтара олмади.

Муваффақиятдан сўнг кимевликлар суръатни бир оз сусайтирдилар. Аксинча, пахтакорчилар тобора активлашиб бордилар. Танаффусга қадар территориал устунлик ўзбек футболчилари томонида. Аммо Иброҳимов, Доценко, Розиқов, Солохо, Варюхин, Абдураммов қулай вазиятни бой бердилар. Уйиннинг биринчи ярми тугашига саноқли секундлар қолганда меҳмонларнинг дарвозабони Прохоров ўз командасини голдан қутқариб қолди.

Иккинчи таймда ҳам пахтакорчилар ҳужумни давом эттиришди. Ниҳоят командининг чўзилиб кетган штурми муваффақиятли якунланди. Абдураимовнинг бурчакдан тепган тўпини қабул қилган Радионов ҳимоячилар орасида турнб, унн дарвозага киритишга муваффақ бўлди.

Уйиннинг охиригача майдонда қизиқарли, кескин кураш давом этди. Аммо ҳисоб ўзгармади. Шундай бўлса ҳам уйиннн кузатиб ўтирган томошабинлар зерикишмади.

ПРЕЗИДЕНТ ЖАМОЛ АБДИЛ НОСИРНИ ДАФН ЭТИШ МАРОСИМИ

ҚОҲИРА, 1 октябрь. ТАСС мухбири Ю. Трушин хабар беради:

Бирлашган Араб Республикаси бутун ўзининг атоқли фарзанди президент Жамол Абдил Носир билан сўнгги бор видолашмоқда. Миср пойтахти ҳамда бошқа шаҳарлар ва қишлоқларнинг юз мингларча аҳолиси бугун тун бўйи республика Қубба саройи биноси ёнидан тарқалмади. Президентнинг жасади шу ерга қўйилган эди.

Араб Социалистик Иттифоқи Марказий Комитетининг Бирлашган Араб Республикаси халқига қарата чиқарган мурожаатида бундай дейилган: «Бошимизга беҳад оғир мусибат тушган бўлса-да, биз шуни яхши биламизки, Носир бошлаган иш ўлгани йўқ, халқимизнинг ҳамма муваффақиятлари ва ғалабаларида биз буни кўриб турибмиз.

Пўлбошчимиз бизни қандай табаррук мақсадларга даъват этганлигини ва бошлаб борганлигини ҳамиша эсда тутмоғимиз керак. Носир бизни ва бизнинг Ватанимизни социализм сари борувчи эркин мамлакатга айлантиришни истаган эди, у эраб миллатини бирлашган миллатга айлантиришни истаган эди.

Жамол Абдил Носир хотирасига қасамёд қилиб айтамизки, биз у бошлаган революция ишини ҳимоя қиламиз ва давом эттирамиз. У бизни революциянинг гарантияси ва таянчи сифатида кўришни истар эди, биз ана шундай кишилар бўлиб қоламиз».

Эрталабдан бошлаб Қоҳира радиоси мотам куйларини эшиттириб турибди. Кўп миллионли шаҳарнинг бутун аҳолиси кўчаларга чиқди.

Соат 9 дан 45 минут ўтганда марҳум президент жасади солинган ва миллий байроқ ёпилган тобут Бирлашган Араб Республикаси ҳарбий-ҳаво кучларининг эскорти ҳамроҳлигида вертолётда республика Қубба саройидан Нил дарёсидаги Замалек оролида жойлашган революцион қўмондонлик кенгаши биносига келтирилди. Бундан 18 йил муқаддам революцион офицерлар Носир раҳбарлигида шу оролда тўпланишган эди.

Эрталаб соат 10 да мотам маросими бошланди. Президент жасади солинган тобут тўп лафетига ўрнатилди. Тўплардан зарб билан отилган ўқ садолари янгради.

Марҳумнинг оила аъзолари, Араб Социалистик Иттифоқи Олий Ижроия Комитетининг аъзолари, Бирлашган Араб Республикасининг министрлари, президентнинг кекса сафдошлари — революцион қўмондонлик кенгашининг собиқ аъзолари, Миллат мажлисининг депутатлари, чет эл давлатларн ва ҳукуматларининг ҳоҳирага келган бошлиқлари ҳамда чет эл делегацияларининг аъзолари революцион қўмондонлик кенгаши биноси ёнида марҳум Носир билан видолашадилар.


Мотам маросимида СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бошчилигидаги Совет Иттифоқи партия-давлат делегацияси қатнашади.

Дафн маросимида қатнашувчилар Миср қуролли кучларининг 5000 генерали, офицери, ҳарбий академияларининг тингловчилари ва ҳамма қўшин турларининг солдатларидан иборат фахрий ҳарбий эскорт ҳамроҳлигида мотам марши садолари остида президент Жамол Абдил Носир раислик қилган Араб Социалистик Иттифоқи қароргоҳига йўл олади. Шу ердан дафн этиш кортежи Бирлашган Араб Республикасининг марҳум президенти дафн этиладиган Қубри Ал Қубба мачитига йўл олди.

Қубри Ал Қубба мачитида жаноза ўқилганидан кейин армия сурнайлари ва тўп садолари остида президент Жамол Абдил Носирнинг жасади лахатга қўйилди.

Тошкентликлар ҳиссаси

Қалбимизда-доҳий сўзлари



В. И. Ленин 1920 йил 2 октябрда РКСМ III Умум Россия съездида Ёшлар Союзининг вазифалари ҳақида нутқ сўзлади. Ильич бу нутқини ўзи ўринбосарларимиз деб жуда катта умид боғлаган ёшларга қарата айтган эди. У, агар ёшлар коммунистик ёшлар номига муносиб бўлишни ҳақиқатан истасалар, биз ёшларни нимага ўргатишимиз керак, улар қандай ўрганишлари керак ва бизнинг қўра бошлаган нарсамизни уларнинг батамом қуриб охиригача етказишлари учун уларни бунга қандай тайёрлаш лозимлиги тўғрисида гапирган эди.

Совет ёшлари ва унинг авангарди бўлган комсомоллар доҳийнинг кўрсатмаларига оғишмай амал қилиб келмоқда. Бугун В. И. Ленин тарихий нутқ сўзлаган кунининг эллик йиллигида комсомол-ёшларимиз меҳнатда, ўқишда, жамоат ишларида улкан ютуқларни қўлга киритган ҳолда бу тарихий санани нишонламоқдалар.

ТАРИХИЙ НУТҚ

Инсониятнинг буюк доҳийси В. И. Ленин партиянинг содиқ ёрдамчиси бўлган ёшларни тарбиялаш ва ўқитишга ҳамма вақт катта эътибор берарди.

Маълумки, 1920 йил 2-10 октябрда Москвада Россия Коммунистик Ёшлар Союзининг III Бутунроссия съезди бўлиб ўтди. Съездда 600 га яқин делегат қатнашди. Ленин съезднинг биринчи мажлисида — 2 октябрда кечқурун нутқ сўзлади. Бу — доҳийнинг «Ёшлар союзининг вазифалари» тўғрисидаги машҳур тарихий нутқи эди. Бу нутқ коммунизм қурувчи ёшларни тарбиялаб етиштиришда партиянинг программа ҳужжати бўлиб қолди ва комсомолнинг иш йўлини ва методларини белгилаб берди.

В. И. Ленин ўз нутқида асосий ва провард мақсадимиз бўлган коммунистик жамият яратишда чинакам вазифа худди шу ёшлар устига тушади, деб уқтирган эди. Чунки капиталистик жамиятда тарбияланган ҳодимлар авлоди фақат эски турмуш негизларини йўқотиш ва янги жамият пойдеворини барпо этиш вазифасининггина бажара олади. Коммунизм биносини қуриш иши ёш авлоднинг вазифаси бўлиб қолади. Бироқ бу янги коммунистик жамият ўз-ўзидан қурилмайди. Бунинг учун аввало ўқиш кераклигини таъкидлади.

— Ёш бўғин олдида, — деди Ленин, тозаланган заминда коммунистик жамият — қуриш вазифаси турибди. Бинобарин шу нуқтаи назардан қараганда, умуман ёшларнинг ва, айниқса, коммунистик ёшлар союзининг ва ҳар қандай бошқа ёшлар ташкилотларининг вазифаларини бир сўз билан: ўқиш сўзи билан ифодалаш мумкин. Ўқишнинг маъноси, деб насиҳат қилган эди Ленин, ёшларга мактаб ичида ўралашиб қолиш деганн эмас. Таълим ва тарбия соҳасида қўйиладиган ҳар бир қадамни меҳнаткашларнинг коммунизм учун олиб бораётган курашлари билан боғлаш зарур. Ёшлар союзининг аъзоси бўлиш — ўз кучини умум иши учун сарф қилиш демакдир. Комсомол ҳар бир ишда ёрдам кўрсатадиган, ташаббус кўрсатадиган, почин кўрсатадиган зарбдор группа бўлиши керак. Ишни шундай тарзда қўймоқ керакки, ёшлар ҳар қуни, ҳар бир шаҳарда ва ҳар бир қишлоқда умумий меҳнатнинг бирор вазифасини, майли, энг кичик, энг оддий вазифасини бўлса ҳам, амалий равишда ҳал этадиган бўлсинлар. Ёш йигит ва қиз фақат мана шундай ишдагина чинакам коммунист бўла олади.

Доҳий Ленин ўз нутқида нимани ўқиш керак, нимани ўрганиш керак ва қандай ўрганиш керак, деган саволлар ташлаб, бу саволларга мукаммал жавоб берди. Айтдики, инсоният яратган билимларининг ҳаммасидан қандай қилиб коммунизм пайдо бўлганини кўрсатувчи намуна — марксизмдир.

Ленин ёшларни Маркс таълимотини чуқур ва пухта ўрганишга чақирди, бу таълимот бутун дунёдаги миллион-миллион ва неча ўн миллионлаб пролетариатнинг таълимотига айланганлигини тушунтирди. Фақат шу таълимот — марксизмни тўлиқ тушунгандагина коммунистик жамиятни ўрганиш ва уни қуришда фаол қатнашиш мумкин эканлигини уқтириб ўтди. Коммунизмга ўтиш бутун халқ хўжалигини ҳозирги замон фани ва техникасининг барча ютуқлари асосида қайта қуришни тақозо қилади. Коммунизмни тайёр ёдланган формулалар ва программалар билан қуриб бўлмайди, балки амалий ва ҳалол меҳнат билан қурилади.

Бу тарихий нутқнинг қиммати шундаки, унда нотиқ биргина масала эмас, балки бир нечта масалалар устида тўхталиб ўтади. Доҳий нутқида коммунистик ахлоқ масалалари алоҳида ўрин тутади. Эски, эксплуататорлар жамияти ва унинг ахлоқи, деган эди Ленин, шундай бир принципга асосланган эдики, ё сен бировни талайсан, ёки сени бировлар талайди, ё сен бировга ишлайсан, ёки бировлар сенга ишлайди. Ленин буржуазия жамиятининг ҳудбинликка асосланган, инсонга қарши қаратилган ахлоқига коммунистик ахлоқни — меҳнаткашларнинг манфаатларини ифодаловчи олижаноб ахлоқни қарама-қарши қилиб қўйди. Бизнинг ахлоқимиз, деган эди у, пролетариат синфий курашн манфаатларига бўйсунгандир. Бу ахлоқ эски, эксплуататорлик жамиятини емиришга ва барча меҳнаткашларни янги жамият қураётган ишчилар синфи теварагида бирлаштиришга хизмат қилади.

Коммунистик ёшлар союзининг яна бир вазифаси, деган эди Ленин, ўз қўшилғини ёки ўз маҳалласини озода тутиш каби ишларда ёрдам уюштиришдан иборатдир.

В. И. Ленин ёшлардан ижтимоий ҳаётнинг ҳамма тармоқларида хушёрлик билан доимо актив қатнашишни талаб қилди ва буни ёшларнинг асосий вазифаси деб уқтирди. Доҳий ўз нутқида Коммунистик ёшлар союзи деган фахрли номга муносиб бўлишни ва унга дог туширмасликни қайта-қайта таъкидлади. Коммунистик ёшлар союзи, деган эди В. И. Ленин, ўзининг таълим, тарбия ва-бидим олишда қўйган ҳар бир қадамини барча меҳнаткашларнинг эксплуататорларга қарши умумий курашида қатнашиши билан боғлаб борганидагина Коммунистик ёшлар авлодининг союзи деган номга муносиб бўла олади.

Дарҳақиқат — комсомол Ленин насиҳатларига амал қилиб, доно Коммунистик партиямиз раҳбарлигида коммунистик жамият қурилишининг олдинги сафларида бормоқда ва улкан ғалабаларни қўлга киритмоқда.

КПСС ҳаракатдаги марксизм-ленинизм сифатида доимо комсомолга ғамхўрлик қилиб, йўл-йўриқлар кўрсатиб келмоқда. КПСС Марказий Комитети яқин ўтган йиллар ичида комсомолнинг ишини янада яхшилаш ва унга партия раҳбарлигини кучайтириш тўғрисида қатор қарорлар қабул қилди.

Ўзкомпартия Марказий Комитети ҳам комсомолга партия раҳбарлигини кучайтириш мақсадида «Комсомолга партия раҳбарлигининг аҳволи ва бу раҳбарликни янада яхшилаш чоралари тўғрисида» ўтган йили бўлиб ўтган XV пленумида алоҳида қарор қабул қилди. Мазкур қарорда республикамиз ёшларининг бевосита иштирокида ўнлаб саноат корхоналари ва совхозлар қурилганлиги қайд қилинади. Республиканинг қишлоқ ёшлари — дейилади шу қарорда, — пахтадан мўл ҳосил кўтаришда, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда муносиб ҳисса қўшмоқдалар, улар қишлоқларни ободонлаштириш, қишлоқ меҳнаткашларининг маданий-маиший турмуш шароитини яхшилаш ишларида фаол қатнашмоқдалар.

В. И. Ленининг ёшлар союзининг вазифалари ҳақида нутқ сўзлаганига бугун 50 йил тўлди. Бу нутқ ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда асосий дастур бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Бу нутқ бугунги кунда ҳам катта аҳамият касб этади.

А. АҲМАДАЛИЕВ,
Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти КПСС тарихи кафедрасининг ўқитувчиси.

Доҳий ўгитлари

Биз ёшларни ўқитиш, уюштириш ва тарбиялаш ишини тубдан ўзгартган вақтимиздагина, ёш авлоднинг зўр бериб ишлаши натижасида эски жамиятга ўхшамайдиган жамият, яъни коммунистик жамият яратишга муваффақ бўла оламиз.

✦✦✦

Ишламай курашмай, коммунизмни коммунистик брошюра ва асарлардан китобда ёзилганича ўрганишдан ҳеч қандай фойда йўқ, чунки бу — назария билан практика ўртасидаги эски узилишни, эски буржуа жамиятининг энг разил хусусияти бўлган эски узилишни давом эттириш бўлар эди, холос.

✦✦✦

...сиз, инсоният ақли билан яратилган нарсаларни ўзлаштириб билиб олмасдан туриб коммунист бўлиш мумкин, деган хулоса чиқармоқчи бўлсангиз, жуда катта хато қилган бўласиз.

Ўтюракли қиз

Мен Бибиражаб Қоракулова билан биринчи марта ўтган йили Мирзачўлдаги 18-«Фарғона» совхозида» пахта териб юрганимда танишган эдим. Эгатлар оралаб «оқ олтин» териб юрган паст бўйли, қорачадан келган, дўмбоққина бу қизчани дастлаб кўрганимда кунига 200-250 килограммдан пахта тераётганига сира ишонгим келмас эди. Шунда факультет декани, физика фанлари кандидати, доцент Санъатхон Хўжаев:

— Бу қизимиз, кичкина деманг бизни, деганлардан. Ишонмасангиз кечқурун қайтиб келинг. Албатта, 250 килограмм терганлигининг гувоҳи бўласиз.

Кечки пайт яна келдим. У 250 эмас, 300 килограмм «оқ олтин» теribди.

Бибиражаб ўтган йили ўн тонна пахта терди.

Юрагида ўти бор одам ўзини ҳар қандай ишда, ўқишда кўрсатаверар экан. Бунинг мисоли Бибиражаб бўла олади.

Яқинда «Комсомольская правда» газетаси ўзининг янги беш стипендиатини эълон қилди. Бибиражаб Қоракулова ана шу стипендиатлардан биридир.

Факультетга келганимда декан Санъат ака қаршн олар экан шундай деди:

— Сизга айтмабмидим, бу қизимиз чевар теримчигина эмас, балки аълочи студент ҳам деб. Мана, у ўзининг аъло ўқиши, жамоат ҳамда комсомолдаги актив ишлари учун бугунги кунда «Комсомольская правда» газетасининг стипендиясини олди. Физика факультетида ўқиш анча оғир. Лекин Бибиражаб тунни-тонгга улаб ўқиши, ўз устида мустақил ишлаши билан студентларнинг сардори сифатида институтда тилга олинадиган бўлди. Шу билан бирга, у бир нечта илмий тўгаракларнинг аъзоси.

Бибиражаб Шўрчидаги ВЛКСМ 30 йиллиги номли ўрта мактабда ўқиб юрган кезларида физика бўйича уч йил муттасил область олимпиадасида иштирок этиб, масала ечишда юқори ўринлардан бирини эгаллаб юрди. Ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлади.

Эндиликда Бибиражаб олдида касб танлаш ва шу соҳа бўйича ўқишдек юксак вазифа турар эди. Ота-онаси, медицина институтида ўқийсан, доктор бўласан, дейишар эди. Аммо қизнинг қалбида бошқа бир касб — педагогликка бўлган интилиш, физика фанига бўлган иштиёқ ётар эди. Ёш ларни ўқитиш, уларнинг қалбига нур сочиш қандай яхши. Ана шундай касб эгаси бўлиш ниятида ВЛКСМ аъзоси Бибиражаб Қоракулова Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти физика факультетига келди. Ҳозир у учинчи курсда ўқимоқда.

Мен яқинда у билан учрашдим. Суҳбат давомида шундай деди:

—Менга «Комсомольская правда» газетасининг стипендиясини берилганидан чексиз севинаяпман. Бу юксак ишончни аъло ўқиш, жамоат ишларида актив қатнашиш билан оқлайман. Ҳозир пахтага чиқиш оғдида турибмиз. Терим нормасини икки ярим қилиб бажаришга ваъда бераман.

Институтимизда Бибиражабга ўқишаш аълочи, жамоатчи студентлар жуда кўп. Тарих факультетининг бешинчи курс студенти, Ленин стипендиати Аҳмаджон Мансуров, педагогика-психология факультетининг учинчи курс студенти, Н. К. Крупская стипендиати Эътиборхон Азизова, физика факультетининг бешинчи курс студенти, Ленин стипендиати Тоҳиржон Идиров каби жўшқин қалбли студент-комсомоллар бунга яққол мисол бўла олади.

М. ЖУМАБОЕВ,
институт кўп тиражли газетасининг редактори.



СУРАТДА: кибернетика институтининг бир группа ёш илмий ходимлари «Минск-22» электрон ҳисоблаш машиналарида халқ хўжалигига доир мураккаб масалаларни ҳал этмоқдалар.

М. Нуриддинов фотолари.

Байроқдор бригада

«Главташкентстрой»-га қарашли 3-трест 15-қурилиш бошқармасида В. Шавлюк ва Н. Феоктистов бошлиқ иккита комплекс бригада комсомолларини бутун трест аҳли ҳурмат қилади.

Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, деганларидек, йигитларнинг бирлашиб ишлашлари натижасида, оширилган планлар эвазига бригадага ўтган йили трестнинг Кўчма қизил байроғи берилган эди. Мана, бир ярим йилдан ошибдики, байроқ ҳамон ана шу қалби меҳнат ишқида жавлон урайтган комсомолдар бригадаси кўлида сақланмоқда.

Эндигина йигирма икки ёшга кирган прораб В. Гребенщиков объектни материаллар билан таъминлаб туришда доимо кўз-қулоқ. У фақатгина иш сифатини текшириш билан чекланмайди, ҳарбий хизматда ортирган камтарлик фазилатлари орғошида тенгдошлари билан баб-баравар меҳнат қилади. Унинг йигитлари планларни доимо ортиғи билан бажариб келишмоқда. Улар 3-йўлдик массивида бир қаватча турар-жой бинолари бунёд этиб, юзлаб ҳамшаҳарларимизнинг таҳсинига сазовор бўлишди.

Н. Родюк, В. Дядешев, В. Кондраковлар темир-каркас бетон панелларни пайвандлашда кунлик иш нормаларини сифатли равишда 105—115 процентдан бажармоқда.

Минорали кўтарма кран бошқарувчиси А. Маҳмудов ва В. Кузменовлар кранларнинг бекор туриб қолишига йўл қўйишмайди. Кузувчиларга тезроқ бўлсаларинг-чи, дегандек, тез-тез сигналлар бериб, ҳали қоришма ҳали ғишт кўтаради.

Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, деганларидек, йигитларнинг бирлашиб ишлашлари натижасида, оширилган планлар эвазига бригадага ўтган йили трестнинг Кўчма қизил байроғи берилган эди. Мана, бир ярим йилдан ошибдики, байроқ ҳамон ана шу қалби меҳнат ишқида жавлон урайтган комсомолдар бригадаси кўлида сақланмоқда.

Бетон ступлари тўкилаётган жойда пайвандчилар мустаҳкамлаб олгунларича диққат билан уни ушлаб турадилар.

КПСС XXIV съезди шарафига янада янги ютуқлар сари интилаётган йигирма кишили комсомол бригадаси йигитлари шу кунларда Ҳамза район партия комитетининг янги маъмурий биноси қурилишида меҳнат қилишмоқда. Қурилиш якунигинада бошланган эди. Аммо қурилиш ишларида катта тажриба орттирган азаматларнинг шижоаткорона меҳнати туфайли, қисқа вақтда биринчи ва иккинчи қаватлари қуриб битказилди.

Қурилиш участкаси бошлиғи А. Сачоков комсомоллар ишидан ғоят мамнун. Трест ҳурмат тахтасида бу комплекс бригада номи биринчилар қаторидан жой олган.

Йигитлар шу участкада коммунистик меҳнат коллективи номини олишди.

— Бинони ноябрь байрами арафасида муддатидан икки ой олдиноқ фойдаланишга топширамиз, — дейди бригада қурувчилари.

— Шундай бўлиши ҳам керак. Комсомолдар кўпчилик олдида сўз беришдими, албатта, уни бажаришга одатланишган.

Э. ЖУРАЕВ.

ЎҚИШ ВА БИЛИМ — ЭГИЗАК

Бизнинг интервью

Халқда «Ўқиш ва билим — эгизак», деган мақол бор. Партия ва халқимизнинг буюк устози ёшларни шунга ўргатиб, ёркин келажак — коммунизм қуриш учун ишлаш ва ўқишга даъват этган эди. «Таштекстильмаш» заводининг комсомоллари Ленин васиятларига амал қилган ҳолда иш тутмоқдалар.

Бу ҳақда завод комсомол комитетининг секретари Т. Морозова шундай дейди:

— Бугун бизнинг корхонамизда олий ўқув юрти, техникум, ишчи-ёшлар мактаби ёки сиёсий маориф шохобчаларида ўқимайдиган ёшларни топиш қийин. Мингдан ортиқ йигит ва қизлар билим олишнинг барча турларидан фойдаланмоқдалар.

Шу йилнинг август ойидан мамлакатимизда партия XXIV съездига бағишланган «Ленин ишига ва Ленин партиясига содиқмиз» шиори остидаги иккинчи Бутуниттифоқ ленинча сиёсат Бошланди.

Заводимиз комсомол ташкилоти съезд шарафига олган социалистик мажбуриятида завод комсомол иктисод фондини ташкил қилишга катта эътибор берган, Саша Самойлов бошлиқ комсомол ёшлар бригадаси механика цехида биринчилардан бўлиб, «Катта ва кичик ишда тежам», деган шиор билан янги ташаббус кўтарди. Тежалган инструмент ва материаллар ишлаб чиқаришда фойдаланилмаётган резервлар, ишдан ташқари вақтда шанбалик ва якшанбаликлар ўтказиш ҳисобига бригада тўққизмингг беш юз сўм тежашга эришди. Шуни таъкидлаш лозимки, бригаданинг 18 кишилик коллективи ҳамиша корхонада пешқадамлик қилмоқда.

Шу йилнинг 10 апрелида ўтказилган умумзавод мажлисида ленинча юбилей йили синовига якун ясалди. Шу бригада токари Александр Иванников ленинча синовни ҳар йили В. И. Ленин туғилган кунда ўтказиш ва якунлаш ҳақида таклиф киритди.

Бугун КПСС XXIV съезди шарафига бағишланган ленинча синовнинг биринчи босқичи тугамоқда. Шу куни В. И. Ленининг комсомол III съездида нутқ сўзлаганига эллик йил тўлади.

Заводимизнинг барча цехларида ленинча дарслар ўтказилади. У дарсларга В. И. Ленининг «Ёшлар союзининг вазифалари» деган асари асос қилиб олинади. Докладчиларнинг ҳаммаси комсомоллар. Доклад темаси эса доҳий асарларидан олинган. Йигув цехининг комсомоллари асосий эътиборни комсомол ташкилоти қандай ишлаётгани ва ўз сафларини қандай ошираётганига бағишлайди. Қуюв ва асбобсозлик цехининг комсомоллари эса Ильич васиятларининг бажарилишини муҳокама қилиб, меҳнат интизоми қандай йўлга қўйилганлигини кун тартибига қўядилар.

Завод бошқармаси комсомоллари В. И. Ленин асарларини ўрганишни ўз дарсларига асос қилиб олишди.

Улар ленинча дарслар ўтишда В. И. Ленин томонидан комсомолнинг III съездида ёшлар олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилиши, келажакдаги планларни аниқлашни асос қилиб олдилар. Эртага эрталаб соат саккизда завод комсомолларининг шанбалиги ўтказилади. Шу муносабат билан, завод комсомол комитети завод ветеранлари ҳамда барча комсомол авлодларига ёшлар билан биргаликда шанбаликка чиқиш ҳақида мурожаат қилдилар. Ҳар бир ёш ишчи ўз жойида ишлайди. Завод бошқармасининг комсомоллари цехларга боришади.



«Юлдуз» тикувчилик фирмасининг чеварлар коллективи асосан ёшлардан иборат.

СУРАТДА: фирма 6-цехининг зарбдори Сайёра Ниёзмуҳамедова.

Доҳиёна кўрсатмалар

В. И. Ленин комсомолнинг III съездида тарихий нутқ сўзлаган кунининг эллик йиллигида Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби НАДЕЖДА КОНСТАНТИНОВНА КРУПСКАянинг ёшлар тарбияси ҳақидаги мана шу сўзларини эслаш ғоят ўринлидир.

— Болаларни зарур барча билимлар билан қуроллантириш керак, уларни энг муҳим масалаларни англаб билишга, теварак-атрофдаги ҳаётга онгли муносабатда бўлишга, бу ҳаётни умумий куч билан қандай яхшилаш лозимлигини тушуниб олишга ўргатиш лозим. Уларни олган билимларини ҳаётга татбиқ қилишга ўргатиш умумий планга мувофиқ, уюшқоқлик, коллектив бўлиб ишлашга ўргатиш керак. Умум фойдаси учун коллектив равишда уюшқоқлик билан қилинган меҳнат ҳаммадан кўра яхшироқ онгли интизомли қилиб тарбиялайди. Буларнинг ҳаммаси тўғрисида Ильич 1920 йилда комсомолнинг III съездидаги нутқида айтиб ўтган. Бу нутқ ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш соҳасидаги ишимизда амалий қўлланма бўлиб хизмат қилиши керак.

Ильич ўзининг бу нутқида ўсиб келаётган авлодни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш тўғрисида ҳам гапирган. «Ҳозирги замон ёшларини тарбиялаш, ўқитиш ва уларга таълим бериш ишларининг ҳаммаси уларни коммунистик ахлоқлик қилиб тарбиялашдан иборат бўлсин». Сўнгра у коммунистик ахлоқ нима эканини тушунтиради: бу ўз шахсий манфаатини пролетариатнинг синфий кураши манфаатига бўйсундириш, демакдир. «... коммунист учун ахлоқ мана шу мустаҳкам ҳамжиҳатлик интизоми ва эксплуататорларга қарши онгли оммавий курашдадир».


... Социализм қурилиши ишини охиригача олиб бориши лозим бўлган барча ўсаётган авлодни тарбиялаш соҳасида зиммамиздаги вазифамизни бир минут ҳам эсдан чиқаришимиз мумкин эмас. Биз Ильич комсомолнинг III съездидаги нутқида таълим берганидек, уларга болалик чоғиданоқ коммунистик ахлоқ руҳини сингдириб боришимиз керак. Бу нутқни социализм қурилишининг ҳар бир қатнашчиси билиши ва Ильичнинг кўрсатмаларини амалга оширишда ёрдам бериши лозим.

ВЕТЕРАН ҲИКОЯСИ

Ленин синовларининг дастлабки босқичи тамом бўлмоқда. Бу синовлар В. И. Ленинниг РКСМ Умум Россия учинчи съездида сўзлаган нутқининг эллик йиллигига бағишланган. Шу кунларда Бутуниттифоқ Ленин сабоқлари олдидан Тошкентда ёш ишчилар ва ўқувчилар олдида партия ҳамда комсомол ветеранлари шу жумладан, В. И. Ленининг нутқини тинглаш, меҳнаткашлар доҳийси билан шахсан учрашиш бахтига мушарраф бўлган кишилар ёшлар олдида сўзга чиқмоқдалар.

«Ташкентқабель» заводидаги ишчи ёшлар ҳузурига Тошкент Олий партия мактабининг катта ўқитувчиси, комсомол III съездининг делегати Газиз Алиакбарович Исеев меҳмон бўлиб келди. Ёшлар унинг Владимир Ильич билан бўлган унутилмас учрашуви тўғрисидаги қишини тўлқинлантирувчи ҳикоясини зўр диққат-эътибор билан тингладилар.

(ЎзТАГ).



Ўзбекистон Фанлар академиясининг шаҳримиздаги асосий кутубхонаси ишчи ва студент-ёшларнинг йирик илм марказидир. Бу ерга ҳар куни юзлаб ишчи ва студент-ёшлар келиб, ўз билимларини оширадилар.

СУРАТДА: кутубхона 3-филиалининг ўқув залида мутолаа пайти.

Робинсон МАТСЕЛЕ,
Жанубий Африка Республикаси.



Ўша куни қўшиқчилар конкурсига боришим керак эди. Бу конкурсга районимизнинг барча болалари қатнашарди. Уларнинг бари кироён кишилик костюми кийиб келишлари лозим эди. Умримда ёмон кўрган нарсам — галстук. Бироқ отам албатта галстук тақиб борасан деганди. Галстук тақканимда эса бўйнимга илон чирмашиб олгандай туюларди. Шу боисдан ҳам ойим черков ёки конкурсларга борганда ясаниб-тусаниб, галстук тақадиган болаларга сира ўхшамайсан, дея койигани-койиган эди.

Теварак-атрофимиздаги харобаларда яшовчи кишилар конкурс ёки мусобақада қатнашгани кетаётган болаларини яхшилаб ясантириб, галстук тақтириб юборишни ҳам фарз, ҳам қарз, деб билишарди. Бу нарса комиссия хайъатининг баҳолашига таъсир кўрсатиши мумкин эмиш. Шундай қилиб, товушимиз ва қандай қўшиқларни куйлашимиз улар учун иккинчи даражали нарса бўлиб қолганди. Биз бўлсак, энг муҳими ясан-тусан эмас, оппоқ тишларимизни кўрсатиб, табассум қилиш, деб ҳисоблардик.

Комиссия хайъати фақат оқтанлилардан иборат бўлиб, бизларга, улар музиқани жуда яхши тушунишади, дёб айтишганди.

— Бугун дурустроқ куйлашга ҳаракат қил,— деди ойим, жон-жахдим билан тарелка юваётган пайтимда.

— Ойи, қандай куйлашимни ўзингиз яхши биласиз-ку,— жавоб қилдим мен.

— Ҳа, биламан, лекин бугун алоҳида кун: даданг сенга костюм билан галстук олиб бермоқчи.

— Нима, янги костюм кийсам, ашулани яхшироқ айтармидим? Ахир гап костюмда эмас-ку—, дея эътироз билдирмоқчи бўлдим яна.

— Гап қайтарма!— деди ойим.— Ҳайронман ҳозирги болаларга нима бўлган? Одоб деган нарсани билишмайди. Катта одам бир нима деганидан кейин хўп дейиш керак-да.

Шанба куни эди. Кўшни ҳовлида оч қолган хўрозлар билан товуқлар тинмай қақалашарди. Соч-соқоли кумушдай оқариб кетган Сонто амаки кулбасидан чиқди-да, кулгили бир оҳангда «бех-бех-бех» деганича дон сепа бошлади. Товуқлар қақалашганича урийқит қилиб, Сонто амаки томон югуриб қолишди.

Этаги ерга қадар етадиган узун оч жигарранг кўйлак кийган ойим, икки қўлини белига қўйиб, эшик олдида турарди. У Сонто амакига қараб кўл силкиб кўйди-да, сўнг бошини кўтариб, эрталабдан бери ер бағирлаб сузиб бораётган булутларга қаради.

Мен қўлимдаги кастрюлькани қум билан ишқамоқда эдим. Шундай қилинса, у ялтираб кетарди.

Сонто амаки товуқларини чақириб яна бир оз «бех-бех»лаб турди-да, сўнг мен томон ўгирилиб кексаларга хос хирқироқ товуш билан деди:

— Ишқилиб, бугун ғалаба қилгин-да, ўғлим.

Дадамнинг қайтишини сабрсизлик билан кутмоқда эдим. Бугун шанба бўлгани учун ҳам, қайтаётганда у дўстларини учратиб қолиши ва уларнинг биронтасиникига кириб кўлбола пиводан ичган, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтириб, кеч қолиши мумкинлигини билардик.

Дадам баланд бўйли, бақувват ва келишган одам эди. Баъзан баджаҳл бўлишидан чўчисак-да, биз уни яхши кўрардик. Шўхлик қилган кезларимда ойим даданга айтаман, деб пўписа қиларди. Шунда мен дадамдан қалтак об, дод-фарёд қилгандан кўра, бирон ерга яширинишни афзал кўрардим. Дадам тартибни яхши кўрарди. Лекин ўзи қўркмас, жасур одам эди. Бир куни у бизларни безорилардан қандай ҳимоя қилганини яхши эслайман.

Қаердадир роса ичиб олишган ўша безорилар, бир ҳунар кўрсатмаймизми, деб бизнинг уйимизга ҳужум қилишган эди. Дадам уларни қамчин билан ўласи қилиб савалади. Шунга қарамай, у табиатан меҳрибон ва қувноқ одам эди. У менга ўз бошидан кечирган қизиқ-қизиқ воқеаларни ҳикоя қилишни яхши кўрарди. Бир куни тунда велосипедини миниб ишдан қайтаётганида, қабристондан ўтишга тўғри келибди. Қабристоннинг қоқ ўртасига етганида кўққисдан унинг қаршисида баҳайбат бир одам пайдо бўлибди-да, пулини майдалаб беришни илтимос қилибди. Дадамнинг ёнида пули йўқ экан. Буни эшитиб, халиги одам, чамаси арвоҳ бўлса керак, эҳ, аттанг, бундан анча йил бурун гўримга олиб кетган пулларим ўтмай қолувди. шунинг учун уни майдалаб олмоқчийдим дебди. Сўнг у қандай пайдо бўлган бўлса, шундай тўсатдан ғойиб бўлибди.

Узоқдан ўйнаб юрган болаларнинг ғала-ғовури, итларнинг ҳуриши эшитиларди. Бу лама тунукадан қурилган кулбамизнинг девори тарақлаб кетди. Ишдан қайтган дадам велосипедини унга тираб қўймоқда эди. Ойим овқат пишириш билан банд эди.

— Қани, бўла қол, ўғлим,— деди дадам иккари киргач.— Ҳадемай магазин ҳам ёпилиб қолади.

— Қанақа костюм олиб берасиз, дада?

— Кўрамиз-да, ўғлим,— жавоб қилди дадам қувноқлик билан, сўнг ойимга қараб:— Биз тезда қайтамиз,— дедида, пиджагини ечиб, қозиққа илди. Шундан сўнг дадам иккимиз магазин томон равона бўлдик.

Барбер — стрит мен тенги болаларга тўлиб кетган эди. Баъзилари яланг оёқлари билан ясси тошларни тепиб хоп-скетч ўйнашар, бошқалари эса бейсбол ўйинига берилишган эди. Бир тўда болалар таннис тўпи билан футбол ўйнашмоқда эди.

Магазин витринаси олдида беш-олтита ўспирин йигитлар тўпланишибди. Улар бир-бирларининг қулоқларига алланималар деб шивирлашар ва хохолаб кулишарди. Шу билан бирга, улар сергаклик билан кўчани кузатиб туришни ҳам унутишмасди. Чунки ҳар лаҳзада полиция машиналари ғизиллаб келиб қолиши мумкин эди. (Бу машиналарни бизда негадир квела-квела деб аташарди). Полициячилар бирон уйда қонунга хилоф равишда нчимлик сотишаётганини сезиб қолишса, бутун кўчадаги ҳаракатни тўхтатиб, ҳамманинг ҳужжатини текшира бошлардилар.

Магазин хўжайини — бошига фас кийиб олган ҳинду Абдулла эшик олдида чордона қуриб ўтирарди. У ўқтин-ўқтин кўча томон тупуриб қизил сақичини чайнар экан:

— Келиб қолинг, келиб қолинг, олганлар дармонда, олмаганлар армонда,— дея қичқириб қўярди.

Магазин деворида «Бир костюм сотиб олинг устига яна иккита оласиз!» деган эълон осиғлиқ турарди.

Бирдан дадам қўлимни маҳкам қисганини сезиб қолдим. Ажабланиб унинг юзига қараган эдим, кўзлари бажо бўлиб, қовоғи осилганини кўрдим. Магазинга етишимизга озгина қолганди.

Дадамнинг жуда ҳалол одам эканлигини яхши билардим. У умри бино бўлиб, бировнинг сариқ чақасига ҳам ҳиёнат қилмаганди. Шу боисдан ҳам уни қўрқитиш қийин эди. Унинг софдил ва жасур киши эканлигига эса шубҳа қилмасдим. Бироқ уни ҳозирги аҳволда сира кўрмаган эдим. Гоҳида дўстлари унга, оқтанлиларга нисбатан бунча ҳалол бўлмасанг, дея ҳазиллашар, баъзан чиндан танбеҳ беришарди. Ахир оқтанлилар бирон марта бўлсин, унга оиласини боқиш учун етарли ҳақ тўлашмаган экан-да. Лекин дадам, бари бир ўз фикридан қайтмай, оқтанлиларнинг ҳеч нарсасига кўз олайтирмаган эди.

У доим дўстларига, ўғирликнинг охири яхши бўлмайди, иблис васвасасига учиб ўғирлик қилган одам албатта дўзахга тушади, деб жавоб қиларди. У менга ҳам, ўғирлик қилган ёки ёлғон гапирган одам дўзахга тушиб, ўтда қовурилади, агар иблиснинг панжасига илиниб, ўтда куйишни истамасанг, доим ҳалол бўл, деб уқдирарди.

Бунақа гапларни эшитганда, юрагим орқамга тортиб кетсада, дадамнинг сўзларини жон қулоғим билан эшитардим, чунки уни жуда яхши кўрардим. Дадам ўз қадрини яхши биладиган, нафсониятли одам эди. Ушанда мен ўн яшар бола бўлиб, деярли ҳар куни дадамнинг олдига тушлик овқат олиб борардим. Дадам дўстлари билан овқатланаётганида бирон дарахтнинг соясига ўтириб олиб, уларнинг суҳбатини тинглашни яхши кўрардим. Улар турмуш ҳақида очиқчасига гаплашишарди.

Дадам, ўғлимга концерт куни киядиган костюм олиб бериш учун пул йиғяпман, деб дўстларига айтганини бир неча бор эшитганман. У костюмга етарли пулни саккиз ой деганда аранг тўплади. Мана энди, ниҳоят, магазинга қараб кетяпмиз... Дадам кафтимни тобора қаттиқроқ қиса бошлаганидан, бутун қўлимда оғриқ турди. Уни тортиб олмоқчи бўлдим, бироқ дадам жонимни оғритаётганлигини сезмай ҳамон қўлимни қисиб борарди.

Кафтим терлаб кетди. Дадамнинг ҳам пешонасига совуқ тер чиққан эди. Кўзлари олазарак ўйнарди. Ундан бирон нарса сўрашга кўркдим.

Абдулла ҳамон!

(Давоми 4-бетда).

● ҚИШ ТАРАДДУДИ

МЕҲНАТСЕВАРЛАР АҲДИ

● БЕШТА ҚОЗОНХОНА
● ҚИРҚ УЧ ЯНГИ МУТАХАССИС
● ЙИГИРМА САККИЗТА ИХТИРО
● МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Шаҳримизнинг сўнгги йилларда тез суръатлар билан юксалаётгани, қатор турар-жой даҳаларининг бунёд этилиши натижасида, ёрдамчи, кечиктириб бўлмайдиган масалалар ҳам ҳар томонлама ҳал этилиши зарур бўлиб қолди. Булардан бири аҳолини иссиқлик қуввати ва иссиқ, совуқ сув билан таъмин этишдир. Шу муносабат билан, Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрлиги қошида ўтган 1969 йилнинг тўртинчи кварталида шаҳар «Район қозонхоналари» корхонаси ташкил этилди. Корхонанинг ўз олдига қўйган асосий вазифаси шаҳримиз меҳнаткашларини иссиқлик қуввати ва иссиқ сув билан марказлаштирилган тарзда сурункасига таъмин этишдир.

Албатта, ҳар бир янги тузилган корхонанинг тезда ҳал қилиб бўлмайдиган қийинчиликлари бўлади. Ана шундай қийинчиликлар бизнинг корхонада ҳам бор эди. Шулардан энг муҳими кадрларни танлаб жой-жойига қўйишдир. Бу қийинчиликлар корхона раҳбарлари ва корхона коммунистлари бошчилигида комсомол ва касаба союз активистлари ёрдамида атрофлича ўрганиб ҳал этилди. Меҳнаткашлар эҳтиёжини қондириш учун корхонанинг барча имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланиш керак эди. Шунинг учун, янги-янги резервларни топиш ва ишга солиш зарур эди. Ишни аввалига корхона коммунистларининг умумийғилишини чақириш билан бошладик. Йиғилишда ташкилий ишлар қараб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул этилди. Бунда, биринчидан, кадрлар маълумоти, ишчиларни, ишбошқармонлари, ташкилотчилик қобилияти ва иш тажрибасига қараб шаҳримизда жойлашган бешта район қозонхоналарига инженер-техник ва раҳбар лавозимларига ишга тайин этилдилар. Биз асосан меҳнат интизоми бўлган ерда меҳнат самарадорлиги кўтарилгандек бўлиш принципига амал қилдик. Шу асосда, меҳнат қилган корхонамиз коллективи ўтган 1969-1970 йиллар иситиш даврида яхшигина ютуққа эришди. Йиллик давлат плани 124,3 процент адо этилди.

Корхонада эришилаётган ютуқлар ўз-ўзидан келавермайди, албатта. Аввало, меҳнат жараёни илмий асосда ташкил этилганлиги, ёз фаслида сув иситгич қозонлар капитал ва жорий ремонтдан аъло даражада чиқариб олинганлиги сабаб бўлди. Қолаверса, қозон машинистлари ва аппаратчиклар тайёрлов курси ташкил этилиб, 43 киши шу касбларга ўргатилганки, инженер-техник ходимларнинг иқтисод этиш йўлидаги ўқишларини ташкил этиш, корхонамизга шу ўтган 9 ой давомида 27 рационализаторлик таклифини жорий этиш ва шундан 28 минг сўм иқтисод олинганлиги, меҳнати оғир бўлган жараёнлар механизация қилинаётганлиги ютуқларимиз гарови бўлмоқда. Юқоридаги ютуқларнинг қўлга киритилишида корхона коммунистлари, комсомол ёшлари ва касаба союз активистлари бошқош бўлмоқдалар. Куни-кеча, 1970-1971 йиллар иситиш даврига тайёргарлик қандай олиб борилаётганлиги, белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши ҳақида район қозонхоналари бошлиқлари умумкорхона йиғилишларида ҳисобот бердилар. Йўл қўйилган камчиликлар кўрсатилиб, уларни бартараф қилиш учун қозонхона бошлиқларига кўрсатмалар берилди.

Шу билан бир қаторда, корхона ишчи ва хизматчиларининг дам олишларига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Яхши дам — меҳнатга ҳамдам, деганларидек, корхона ишчи ва хизматчиларидан 26 киши касаба союз ҳисобидан «Трускавец», «Чинобод», «Оқтош», «8-март» санаторийларида ва Обираҳмат, Бурчмулла, энергетиклар дам олиш уйларида ҳордиқ чиқариб, соғлиқларини тиклаб қайтдилар.

Корхонамиз ишчи ва хизматчилари ўтган тўққиз ойлик планни 102 процент қилиб адо этдилар. Пландан ташқари, 8 минг гикакалорий иссиқлик қуввати ишлаб чиқарилди ва 15 минг киловатт-соат электр энергияси тежалди.

Коллективимиз беш йилликнинг охирги, юбилей йилини муваффақиятли якунлаш, пландан ташқари, 25 минг гикакалорий иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш, КПСС XXIV съездини ва ГОЭЛРО давлат планининг 50 йиллигини ишда янгидан-янги ютуқларга эришиш билан қутиб олиш учун шу кунларда ўз зиммаларига олинган социалистик мажбурият қабул қилдилар. Бунда йиллик иссиқлик қуввати ишлаб чиқариш планини 22 декабрда — энергетиклар кунига бажариш, пландаги ихтиročчилик таклифига бешта қўшимча ихтиročчилик таклифи жорий этиш ва бундан 5 минг сўм иқтисод этиш, район қозонхоналарини 70-71 йиллар иситиш даврига пухта тайёрлаш билан кутиб олиш нўзда тутилган.

Оширилган социалистик мажбуриятни тўла-тўкис бажариш, жонажон партиямизнинг XXIV съездини муносиб кутиб олиш йўлида корхонамиз меҳнатсевар коллективи астойдил ҳаракат қилиб, меҳнатда янгидан-янги зафарларга эришмоқда.

З. РУСТАМОВ,
Тошкент шаҳар «Район қозонхоналари» корхонаси катта инженери.



Тошкентдаги 138-мактабда интернационал дўстлик клуби яна ўз ишини бошлади. Яқинда Тошкент Давлат университетининг физика факультетида таҳсил олаётган вьетнамлик студентлар шу мактаб ўқувчиларининг меҳмони бўлишди.

СУРАТДА: пионерлар вьетнамлик меҳмонларни фахрий пионерликка қабул қилишяпти. Олдинда вьетнам қизи Нгуен Ле Бик.

Х. Шоднев фотоси.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

БЕРЛИН. ТАСС мухбири Н. Бабкин хабар беради:

Германия Демократик Республикаси Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлиб кирганига йигирма йил тўлди. Бу тадбир ёш немис социалистик давлатининг экономикасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида социалистик давлатлар яқиндан туриб қардошларча ҳамкорлик қилаётганликлари туфайли мана шу йигирма йил ичида Германия Демократик Республикасида саноатнинг янги тармоқлари — кемасозлик, қора металлургия, нефть химияси саноатлари вужудга келтирилди, шу туфайли у жаҳонда саноати энг ривожланган ўн мамлакат қаторидан жой олишга эришди. «Дўстлик» нефть қувури ўтказилганлиги, Эйзенхюттенштадтда металлургия комбинати қурилганлиги ҳамда бошқа муҳим халқ хўжалиги объектлари вужудга келтирилганлиги мана шу самарали ҳамкорлик йўлидаги ёркин босқичлар бўлди.

Ҳозирги вақтда Германия Демократик Республикаси Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар қаторидан мустаҳкам жой олиб турибди. Германия Демократик Республикаси Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатлари билан қилаётган савдосининг ҳажми мана шу йигирма йил ичида 240 миллиард маркани ташкил этди. Шундан 140 миллиард маркаси Германия Демократик Республикасининг ташқи савдосида асосий роль ўйнаётган Совет Иттифоқи билан бўлаётган савдога тўғри келади.

1971—1975 йилларга мўлжалланган халқ хўжалик планларининг координация қилиниши сабабли Германия Демократик Республикасининг Совет Иттифоқи билан ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатлар билан қилаётган савдосини ҳажмини ривожлантиришда янги давр очади. Ҳозирги вақтда ҳар иккала мамлакат ўртасида экономиканинг турли соҳаларида 30 дан кўпроқ ҳукумат битимлари тузилган. СССР билан Германия Демократик Республикасининг 5 минг нафардан кўпроқ олимлари ва мутахассислари илмий-тадқиқот ишларининг биргаликда тузилган программаларини амалга ошириш устида иш олиб бормоқдалар.



ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМ. Куангчи вилоятилик йигирма ёшлик Хоанг Тхи Тхао гажрибали жангчи. У командирлик қилаётган ватанпарварлар отряди душманга қарши қилиқган кўплаб ҳужумларда қатнашиб, босқинчилар жангчиларини техникасини сафдан чиқарди.

ВИА — ТАСС Радио фотоси.

Инсон пиво бочкаси эмас

Янги зеландиялик Жек Манакау жуда гаройиб бир сабаб билан ҳалок бўлди. У бирданига энг кўп пиво ичиш рекордидан ўзишга уринибди, ортиғига бардош беролмади. Ана шундай пивохўрликдан кейин унинг жасади топилди. Манакау борн-йўғи 33 ёшда эди.

Бурржуа дунёсининг турки шундай: у ерда рекорд деган тушунча кўпинча бутунлай сохталаштирилиб юборилади.

АП агентлиги Манакауниинг «Рекордчи» бўлиш йўлидаги муваффақиятсиз уринишн тўғрисида хабар бериб, айни вақтда унинг бир неча ватандошлари ҳудди шу «спорт»да «рекорд»га эришишга уринибб кўрганликларини таъкидлайди. Улардан бирн 12 соат ичида 85 кружка, бошқаси 10 соат ичида (хатто 10 соату 41 минутда) 89 кружка пиво ичиб дн, бир ҳафта муқаддам вазни 224 фунт келадиган йигирма тўққиз яшар Марк Годннетт деган кимса тўққиз ярим соат ичида 104 кружка пивони «спиқарибб» юборибдн.

Лекин бу маш-машалар кимга ва нимага керак! деган савол бернш ўринлидир.

(ТАСС).

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ ҲУЖУМЛАРИ

Озодлик матбуот агентлиги Жанубий Вьетнамдан хабар беради: Озодлик халқ қуролли кучларининг Куангнам вилоятида ҳаракат қилаётган бўлинмалари сентябрь ойининг биринчи ярмида душманнинг 1400га яқин солдат ва офицерини, жумладан, Америка ва Жанубий Кореянинг 350 нафардан кўпроқ ҳарбий хизматчиларини сафдан чиқардилар. Бундан ташқари Америка-Сайгон қўшинлари жуда кўп жанговар техникаларини йўқотдилар. Озодлик халқ қуролли кучларининг жангчилари душманнинг 46 та ҳарбий юк машинасини яксон қилдилар, 14 та самолётини уриб туширдилар, бир катерини сувга ботирдилар ҳамда жуда кўп милтиқларини ва бошқа ҳарбий анжомларини ўлжа қилиб олдилар.

Озодлик матбуот агентлигининг хабарида айтиладики, шу давр ичида Жанубий Вьетнам ватанпарварлари Биньдинь, Тэйнинь, Анзанг ва Камау вилоятларида душман позицияларига бир қанча муваффақиятли ҳужумлар қилганликлари натижасида душманнинг солдат ва офицерларига ҳамда техникасига катта талафот етказилди.

(ТАСС).

СОЦИАЛИСТИК СЛОВАКИЯ РИВОЖЛАНМОҚДА

ПРАГА. (ТАСС). Социалистик Словакия йилдан-йилга мустаҳкамланиб ва ривожланиб бормоқда. Буржуа Чехословакиясининг бир вақтлар қолоқ ва аграр қисми бўлган Словакия муваффақиятли социалистик қурилишнинг 25 йили мобайнида Чехословакия Социалистик Республикасининг саноати ривожланган республикасига айланди. Ҳозирги вақтда Словакияда 1937 йилда бутун буржуа Чехословакиясида ишлаб чиқарилган маҳсулотга тенг келадиган миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Словакияда машинасозлик, айниқса, зўр ривожланди. Энг катта Шарқий Словакия металлургия комбинати ишга туширилганидан кейин Словакия Чехословакия Социалистик Республикасидаги металлургия ва машинасозлик саноати марказларидан бири бўлиб қолди. Социалистик Словакия ўзи ишлаб чиқараётган станоклар, машиналар, ускуналар, темир йўл вагонларини, пайвандлаш, автоматларини ,кемаларини жаҳоннинг 80 га яқин мамлакатига экспорт қилмоқда. Словакияда ишлаб чиқарилган тўқимачилик машиналари бу йил Брнодаги халқаро машинасозлик ярмаркасида олтин медаль олди. Словакия подшипник заводларининг маҳсулоти ҳам ўзининг яхши сифатли бўлиши билан шуҳрат қозонди. Тренча станкосозлик заводининг металл ишловчи станоклари ҳам турли мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Жумладан, Совет Иттифоқи, Болгария, Венгрия, Руминия, шунингдек, Австрия, Германия Федератив Республикаси, Франция шу завод маҳсулотининг энг катта харидорлари ҳисобланади.

САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ

СТОКГОЛЬМ. Швециянинг янги бир палатали рикстаг [парламент]га бўлиб ўтган сайловининг узил-кесил якунлари эълон қилинди.

Янги рикстагда 350 депутатлик ўрнидан 163 тасини социал демократик партия ,71 ўрнини марказ партия, 58 ўрнини халқ партияси, 41 ўрнини мўътадил коалицион партия ,17 ўрнини сўл партия — коммунистлар эгалладилар.

(ТАСС)

АМЕРИКА САМОЛЁТИ УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ. Вьетнам зенитчилари Хоабинь вилояти осмонида 26 сентябрда Вьетнам Демократик Республикаси ҳаво доирасига бостириб кирган Америкаининг битта учувчисиз самолётини уриб туширди, деб хабар беради Вьетнам информация агентлиги.

Ахборотда айтиладики, Америка Қўшма Штатларининг ҳарбий-ҳаво кучлари Шимолий Вьетнам устида ҳаммаси бўлиб 3 минг 362 самолёт йўқотдилар.

(ТАСС)

● ХАЛҚАРО ФЕЛЬЕТОН

Синган трест

(ДЕЯРЛИ О. ГЕНРИЧА)

Маълумки, О. Генри қаҳрамони Жефф Питер ҳар хил йўллар билан пул топар эди. Унинг бундай йўллари Жанубий Каролина штатининг Чарлистон шаҳридаги аҳолининг гурунчдан тайёрлайдиган таомлар рецептидан сира кам эмасди.

...Ўша эсда қолган куни кечқурун Жефф «Нью-Йорк таймс» газетасининг янги сонини силкибсилкиб Энди Таккер уйига тўсатдан кириб келди. «Олийжаноб фирибгар»нинг юзидан унинг фикрлари охирги чекда ҳаяжонга келгани билиниб турарди.

— Бизнинг соатимиз занг урди, чол ,— деб бақирди у остонадан туриб ва оғир нафас олганича ўзини таянма стулга ташлади.

— Доктор Воф-Ху билан бўлаётган бемаъни гаплар ва сохта олтин ёмбиларнинг ҳаммаси садқаюсар кетсин. Худога шукур ҳозир 1908 йил эмас, 1970 йил. Вақт эса бизга пул топишнинг янги усулларини кўрсатиб турибди.

У бироз нафасини ростлагач, давом этди:

— Биласанми, мен агар яқинимда босмахона машинаси ёки ҳеч бўлмаганда қўл билан чоп қиладиган станок бўлса эрталабки нонушта вақтида ҳамиша газета ўқийман, шунда мен турли хабарларни кўриб қоламан...

— Ёки яна циркдан ўғирланган чўчқани топиб берганлик учун беш минг доллар мукофот белгилангани сингари бирон гап борми, — деб кулимсиради Энди.

— Нима деяпсан, ўзи, нима! — дея қўлларини силкитди Жефф, — бу иш анча ёирикроқ, давлат кўламида. Ҳа, биз энди қандайдир вилоят циркининг хўжайини учун эмас, балки Қўшма Штатлар мудофаа министрининг ўринбосари мистер Паккарднинг ўзига хизмат қиладиган бўламиз.

Энди хона бўйлаб юришини дарҳол тўхтатди ва шеригига тикилди.

— Ҳа, ҳа, ҳайрон бўлма. Паккард мамлакатнинг барча ҳарбий хизматларига шу йил декабрь ойигача армиядан қочувчиларга қарши қураш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳақида буйруқ берган. Ҳозир федерал разведка бюроси қошида шу масала билан шуғулланадиган махсус хизмат ташкил қилинади. Бироқ бу сен билан менга тааллуқли эмас. Энг муҳими Пентагон бугундан бошлаб қочоқлар ҳақида маълумот берувчи ва уларни армияга қайтаришда ёрдамлашувчи ҳар бир кишига ўн доллардан тортиб йигирма беш долларгача мукофот ваъда қиляпти. Бунинг нималигини тушунасанми?! Ҳар бир бош қочоқ учун йигирма беш доллар! Рост, бу зотдор итни талаб берганлик учун бериладиган мукофотдан камроқ, лекин кўлами катта. Қанча ёшлар чақиришдан бўйин товлаётганини ўзинг биласан-ку.

Энди дарҳол мўлжалаб олди.

— Жефф, дўстим— деб хитоб қилди у, — ахир бу биз шунча йиллар кутганимизнинг ўзгинаси-ку. Ниҳоят ,биз ўзимизнинг аллақачонги орзуларимизни амалга оширадиган бўламиз гольф билан шуғулланадиган ёки шотландча юбка буюра оладиган, тулки овига бора оладиган бўламиз. Бошланиши учун икки юзтача кишини қўлга туширамиз. Мана сенга беш минг доллар бўлди деган гап .Бу пул ишни кенгроқ йўлга қўйиш учун бемалол етади. Сўнгра контора очамиз, ўрта мнёна иш ҳақи эвазига бизнинг учун қочоқлар ушлайдиган кишиларни ёллаймиз. Биз эса пулларни санаб ўтирамиз, холос.

Сукунат бошланди. Дўстлар ўзларини креслолар суянчиғига ташладилар, уларнинг хаёлида келажакнинг қувончли манзаралари намоён бўлди. Пул, жуда кўп пул. Уюм-уюм долларлар ,уларни ҳарж қилиб тугатишнн ижоси йўқ...

Эшикдаги қўнғироқнинг тўсатдан жиринглаши уларни ерга қайтишга мажбур этди. Энди дахлизга чиқди ва икки минутдан кейин қўлига бир варақ кичкина қоғоз ушлаганича қайтиб кирди. Унинг ранги ўчган эди.

— Менга чақириқ қоғозини топширнб кетишди, икки кундан кейин мен чақириқ пунктида бўлишим керак...

Бироз жимликдан кейин у дудуқланиб қўшди:

— Сенга виждонан айтсам Вьетнамга, ўша қуриб кетгур чангалзорларга боришга ҳеч ҳам тоқатим йўқ... Сен биринчи йигирма беш долларни мен туфайли ишласанг бўлади.

А. ПРАВОВ,
(АПН).

Робинсон МАТСЕЛЕ,
Жанубий Африка Республикаси



(Давоми. Бошн 3-бетда).

— Келиб қолинг, келиб қолинг! — дея қичқирарди. Дадам қадамини тезлаштирди. Бироқ шу пайт тўсатдан магазин билан бизнинг ўртамизда полиция машинаси келиб тўхтади-ю, ундан лапанглаб иккита полициячи тушди. Уларнинг ялтироқ мис тугма қадалган қора формаларини кўриб, аъзоим — баданим жимирлашиб кетди.

—Хой кафр (улар қоратанли одамларни шундай деб татарашарди), пропускангни кўрсат.— деди полициячи серрайиб туриб қолган дадамга қараб.

Дадам саросимага тушиб, пропускасини кидиргавича чўнтакларини ковлай бошлади.

— Тезроқ бўлсанг-чи, мунча имиллайсан!— дея ўшқирди полициячи қўлидаги таёқ билан дадамнинг бикинига туртиб.

— Мен ҳув анави ерда тураман, бас,—деди дадам уйимиз томонга ишора қилиб.— Ҳозир ўғлимни юбораман, бир зумда олиб келади.

— Овозингни ўчир, ялқов кафр, ёлғон гапиряпсан! Манови пулни қаердан ўғирладинг? — бўкирди иккинчи полициячи, дадамнинг чўнтакларини тинтиётиб, ҳалиги пулни топиб олгач.

Дадам полицячилар олдида саросимага тушиб, нима қилишини билмай турарди.

— Уларни ўғирлаганим йўқ, бас.

— Ёлғон! Биронта ҳам кафр шунча пул ишлолмайди.

— Бу пулни ўғлимга костюм олиб бериш учун йиққанман бас. У бугун...

Полицячилар хохолаб кулиб юборишди.

— Ҳеч шунақасини эшитганмисан, Герт? — деди улардан бири дадамни масхара қилиб.

— У манави итвачча ҳабашга костюм олиб бермоқчиймиш! Узини оқтанлилар билан тенглаштирмоқчи бўлибди! Ҳали кўнгли галстук ҳам тусаб қолар!

Уйга қандай югуриб боргани-мни билмайман. Ойимга, тезроқ дадамнинг пропускасини олиб беринг, дедим. У шоша-пиша қозиқдаги пиджакнинг чўнтакларини кавлай бошлади. Пиджак остига йиғилиб қолган суваракдар тум-тарақай бўлиб, ҳар томонга қочишди. Ниҳоят пропускани қидириб топдик. Оёгимни қўлимга олиб, дадамнинг ёнига югурдим. Бироқ магазиннинг олдида ҳеч ким қолмаган эди. Қаергадир боргим... йиғлагим... бирон чорасини топгим келарди.

Шу пайт дадамнинг юзини, саросимага тушиб пешонасини совуқ тер қоплаганини эладим. Арзимас бир қоғоз унинг инсонлик қадрини ер билан яксон қилган эди. Сўнг аста сургалиб уйга жўнадим.

✦✦✦

Орадан тўққиз ой ўтди. Ойим икковимиз дадамнинг тўшаги теппасида ўтирардик. Ойим йиғлаб йиғларди. Дадамнинг юзига тикилдим. У аввалгидай кул ранг тусга кирганди. Пешанасини яна совуқ тер қоплади. Дадамнинг нафаси қисилиб кўзлари хира тортди ва лаблари қалтирай бошлади. У нимадир демоқчи бўларди-ю, бироқ гапиролмасди. Томоғидан аллақандай узуқ-юлуқ товушлар чиқарди, холос. Бирдан у қаттиқ йўталабошлади. У шундай қаттиқ йўталардики, ҳатто буклама тунукадан қурилган кулбамизнинг деворлари ҳам силкиниб кетди.

— Сув берайми? — сўради ойим, бир зум йиғидан тўхтаб.

Дадам индамади. У оғир хўрсинди-да, яна тутила-тутила нимадир демоқчи бўлди. Бироқ биз тушунолмадик.

— Дадаси, — дея пиқиллади ойим яна.

Дадам яна индамади.

У каравотда кўкрагигача кўрпа ёпиб чўзилиб ётарди. Бутун юзини ёмғирдан сўнгги гул япроқлари каби тер томчилари қоплаган эди. Орадан яна бир оз вақт ўтди. Шунда дадам яна тутила-тутила сўраб қолди.

— С-с-сен-а...а...ашула-а.. айтдинг...ми?

— Ҳа, дада, айтдим.

Уни қамоққа олишган, ўша машъум куни дилимдан нималар кечганини айтмоқчи бўлиб, оғиз жуфтлаган эдим, ойим гапимни бўлди:

— Фермада иш жуда оғир... Улар бўлсак ўлиб бўлдик.. Баъзан оч ҳам қоляпмиз...

Ойим қаттиқроқ йиғлай бошлади. Хона ичига қандайдир гам-андуҳ тўниб қолгандай эди. Мен алам билан бармоғимни тишлардим. Дадам пиджаги ёнида менинг костюмим осуғлиқ турган деворга тикилиб ётарди.

Шу пайт негадир миямга, пропускаси чўнтагидамикин, пиджак остига қанча суварак йиғилганийкин, деган аҳмоқона саволлар келди.

— Дада, ўшанда пропускангизни олиб борган эдим, бироқ сизни олиб кетиб қолишган экан.—дедим унинг олдида ўзимни гуноҳкор ҳис этиб.

Унинг ишончини оқлаёлмадим, бахтсизликни даф этолмадим, деган фикр миямни пармадек эговларди.

Ушанда дадам менга қандай кўз билан қарагани ҳанузгача ёдимдан чиқмайди.

Ойим мени сув олиб келиш учун юборди. Водопровод колонкаси анча нарида кўчанинг нариги бошида жойлашган эди. Теварак-атрофдаги кўчаларда истиқомат қиладиган барча одамлар сувни шу ердан олишарди. Колонка олдида катта-катта челак кўтарган аёллар қатор бўлиб навбат кутишмоқда эди. Ниҳоят, менга ҳам навбат келди.

Челакни кўтариб уйга қайтиб келганимда ойим дадамнинг каравоти тепасида туриб олиб сочларини ёйганича юм-юм йиғлаётганини кўрдим.

Кўчада Абдулланинг «келиб қолинг, келиб қолинг, олганлар дармонда, олмаганлар армонда!» — дея чийиллаб қичқириши эшитиларди.

Дадам сўниб қолган кўзларини шифтга тикканича каравотда чўзилиб ётарди. У энди бошқа йўталмасди. Боя лаблари қалтираб турган оғзи энди кенг бўлиб очилиб қолганди. Хонага оғир сукунат чўмди. Мени қариндош уруғларни чақириб келиш учун юборишди.

Дафн этиш маросимида ойим менинг қўлимдан ушлаб турди. Ўқтин-ўқтин кўз ёшларини артаётган ойим қўлимни унча қаттиқ қисмас ҳам эди. Ўша тобда қалбим ҳар қандай ҳис-туйғулардан ҳоли бўлиб, бўм-бўш қолгандай туюларди. Гўр қаърига аста сирғалиб тушаётган тобутга тикилар эканман, дадамнинг пешанасида ҳали ҳам совуқ тер томчилари йилтираб турганмикин, деб ўйлардим.

Эгнимга янги костюмимни кийиб олгандим. У жуда чиройли қилиб тикилган эди. Ойим, бошингни эгиб нимага тикилиб турибсан, деб сўраб қолдилар.

— Янги костюмимга тикилялпман, — дея жавоб қилдим мен.

Ҳасан ТЎРАБЕКОВ,
таржимаси.

✱ *Ажойиботлар оламида*

ЛАЗЕР НУРИНИНГ ИШИ


Политехника музейининг радиоэлектроника бўлимида янги лазер техникасининг оригинал намуналари намойиш қилинмоқда.

Машқ мақсадларида ишлатиладиган электрон лазер тир музей томошабинларини жуда қизиқтирмоқда. Тир комплектида газ лазери билан таъминланган машқ милтиғи, энергия манбаи, ёруғлик сезгир электрон нишон ҳамда нишонга келиб тегиш натижасини кўрсатувчи рақамли асбоб бор. «Ўқ» бешовқин отилади. Ўқ ўрнида нишонга лазер нурининг гунафша ранг кичкина ёғдуси бориб тегади...

Иккинчи бир установка «Лазер алоқа канали» дет аталади. У передатчик билан приемникдан иборат. Томошабинларнинг истагига кўра, экскурсовод лазер нури ёрдамида музика асарларини симсиз узатиш методини намойиш қилади.

Оптиканинг янги соҳаси — голографияга махсус бир стенд бағишланган. Бу ерда Ленин мукофотининг лауреати Ю. Н. Денисюк олган голограмма — ҳажмли фотосуратнинг ноёб намунаси қўйилган. Суратда «Эрмитаж» даги скифлар коллекциясидан «Ҳайвонларнинг олишуви» деган ҳайкал акс эттирилган. Сурат оддий қўёш нури билан ёритилганида ажойиб ҳажмли тасвир беради.

А. САНИН.
(ТАСС).



ЕРЕВАН. Шаҳар ҳайвонот боғида 30 йилдан бери яшаб келаётган Вова исмли Ҳиндистон фили вақинда ўз характерини кўрсатди. У занжирни узиб, металл тўсиқни ағдариб ташлаб, боққа чиқди. Орадан кўп ўтмай фил шаҳарнинг гавжум кўчаларидан бирида пайдо бўлди. Етиб келган милиция ходимлари кўчани қуршиш материаллари ортилган самосваллар билан тўсиб қўйишди. Ёрдамга оғир гусеницали тягач чақирилди. Қоронги тушишига яқингина фил ўз ўрнига қайтарилди.

СУРАТДА: Вова исмли фил шаҳар кўчасида.
Г. Бондасарян фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

Ўғри жазоланди

Суд залидан

СУД ЗАЛИ. ҚОРА КУРСИДА ЭНДИГИНА 17 ЕШГА ТЎЛГАН НИГИТЧА БОШИНИ ҚУЙИ СОЛИБ ЎТИРИПТИ. ХЎШ. УНИНГ ЖИНОЯТЧИ БЎЛИБ ҚОЛИШИГА САБАБ НИМА?

Асомиддин мактабда ўқиб юрган вақтларида. Ўқишга совуққонлик билан қараши натижасида дарсларни ўзлаштира олмай, бир неча йил синфда қолиб кетди ва 1967 йилда мактаб-интернатни ташлаб қўйди. Шу йилдан бошлаб, унинг ҳаттиҳаракати билан ҳеч ким қизиқмади. У шаҳарда дайдиб текинхўрлик билан кун кечириб юрди. Шу йил Бешёғочда Череповский деган бир йигит билан танишиб олди. Қозонга яқин юрсанг, қорасоқоли деганларидек ундан текинхўрликни безориликни ўрганди. Бешёғочда бир аёлнинг сумкасидан 75 сўм пулини ўғирлаб олди. Ўлжасининг 35 сўмини ўзига олди, қолганини эса «устози»га бериб унга «мамнун» қилди. Бу воқеадан кейин у бир группа «ҳамтоваклари» билан Замарина кўчасидаги 105-уйга кундузи соат 3 да ўғирликка тушди. Шифонер қулфларини синдириб қимматбаҳо кийимларни ўғирлаб, Қўйлиқ бозорида пуллашди. Бироз кейинроқ худди шу уйнинг ёнгинасидаги хонадонга яна ўша разил мақсадда кириш-гидан фойдаланиб, унинг ҳовлисидаги отини миниб қочди. У отни сотай деб турганида, ички ишлар ходимлари қўлга олдилар.

Калинин район халқ суди Асомиддиннинг жиноий ишларини кўриб чиқиб, уни уч йил муддатга озодликдан маҳрум этди. Судда ҳозир бўлганлар бир овоздан суд ҳукмини тўғри деб тасдиқладилар.

И. АБДУРАҲМОНОВ,
А. АБИТЧАЕВ.

Редактор
С. М. ҚАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—2|Х да **Травиата.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2|Х да **Мудҳиш айбнома.** 3|Х да **Олтин девор.**

МУҚИМИЙ номли ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2|Х да **Елғончи дарвоз,** 3|Х да **Фарғона тонг отгунча.**

Кино

2 ОКТЯБРДА
ҚИШКИ БИНОДА

Анупама — САНЪАТ саройи, «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА», «МОСКВА» «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кечқуруи).

Асунта, бехато от! — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқуруи).

Ҳаводаги саргузаштлар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқуруи).

ЕЗГИ БИНОДА

Кеч соат 8.20 ва 9.40 минутда бошланади).

Гамбурглик матбуот қироли — «ФЕСТИВАЛЬ».

Анупама — «ХИВА».

3 ОКТЯБРДА
ҚИШКИ БИНОДА

Анупама — САНЪАТ саройи, (кундуз соат 12 ва 3 да).

«ЧАЙКА», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА», «МОСКВА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Асунта, бехато от! — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Гамбурглик матбуот қироли — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Севиль — «МОСКВА» (эрталаб соат 11.30 ва кеч 9.20 минутларда).

Иван Купала оқшоми арафасида — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5 ярим, кеч 7 ярим ва 9 да).

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8 ва 9.40 минутда бошланади)

Гамбурглик матбуот қироли — «ФЕСТИВАЛЬ».

Анупама — «ХИВА».

БАЛАНД ҲАРОРАТДА ЭРИЙДИГАН МЕТАЛЛАР ВА ҚАТТИҚ ҚОТИШМАЛАР БУТУНИТТИФОҚ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОИҲА ИНСТИТУТИНИНГ **ЧИРЧИҚ ФИЛИАЛИ ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

лаборатория бошлиқлари: қаттиқ қотишмалар, баланд ҳароратда эрийдиган металлар гидрометаллургияси, контроль ўлчовлар, баланд ҳароратда эрийдиган металлар технологияси, порошок металлургияси;

мутахассисликлар бўйича катта илмий ходимлар: рангли, нодир ва асл металлар металлургияси, порошок металлургияси (қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш билан бирга) баланд ҳароратда эрийдиган металларга ишлов бериш, қаттиқ жисмлар физикаси, аналитик ҳимия; ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштириш ва механизациялаш;

мутахассисликлар бўйича кичик илмий ходимлар: рангли, нодир ва асл металлар металлургияси, порошок металлургияси (қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш билан бирга), баланд ҳароратда эрийдиган металларга ишлов бериш, қаттиқ жисмлар физикаси, аналитик ҳимия, ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштириш ва механизациялаш.

КОНКУРСДА—**докторлар ва фан номзодлари, ҳамда илмий ишга қобилияти бор, катта ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган олий маълумотли, юқори малакали мутахассислар қатнашишлари мумкин.**

Конкурс муддати—15 октябргача.

ҲУЖЖАТЛАР: Чирчиқ 19, почта бўлими адреси бўйича директор номига юборилсин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИГА

ётоқхонага тарбиячилар; печатниклар, муқовачилар ва вальцовначиларга шогирдлар; электр монтёрлари, ускуналарни тузатиш бўйича слесарлар, газ пайвандчилари, бўёвчилар, суворқчилар, гишт терувчилар, ёрдамчи ишчилар, ҳоровуллар, цехларни тозаловчи фаррошлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ленинградский кўчаси, 2 уй, кадрлар бўлими.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Киров кўчаси, 11-уй)

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ВА БОЛГАРИЯ ЦИРКИ УСТАЛАРИНИНГ ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ

ЎРГАТИЛГАН АРСЛОНЛАРНИНГ КАТТА АТТРАКЦИОНИ

Ўргатувчи — РСФСРДА хизмат кўрсатган артист

ВЛАДИМИР БОРИСОВ

Томошалар кеч соат 8 да бошланади.

Шанба кунлари икки марта: кундуз соат 3, кеч 8 да, якшанба кунлари уч марта: кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да томоша кўрсатилади.



ОБУНА—«Союзпечать» агентликларида ва алоқа бўлимларида қабул қилинади.

ОБУНА НАРХИ—1 йилга 6 сўм;
6 ойга 3 сўм;
3 ойга 1 сўм 50 тийин.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА

1971 йил учун қуйидаги

ЖУРНАЛЛАРГА

ОБУНА

ДАВОМ ЭТМОҚДА

«ЎЗБЕКИСТОН АГИТАТОРИ»,
«АГИТАТОР УЗБЕКИСТАНА»,
«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»,
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА»,
«ПАРТИЯ ТУРМУШИ»,
«ПАРТИЙНАЯ ЖИЗНЬ»,
«МЕҲНАТ ВА ТУРМУШ»,
«ГУЛИСТОН»,
«САОДАТ»,
«МУШТУМ»,
«ГУЛХАН»,
«ҒУНЧА»,
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»,
«СОВЕТ МАКТАБИ»,
«РУССКИЙ ЯЗЫК И ЛИТЕРАТУРА В УЗБЕКСКОЙ ШКОЛЕ»,
«МУХБИР»,
«КОРРЕСПОНДЕНТ».

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти.

14 октябрь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг химия ва химиявий технология бўйича бирлашган илмий совет кенгаши (Черданцев кўчаси, 10 уй, конференц-залида) химия фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Ф. М. Канцепольская: «Пахта мойини баъзи стационар қотишма катализаторлар иштирокида гидрогенизациялашда процессни кинетика ва химизмини текшириш» деган тема да;

Н. Г. Раҳматуллаев: «Ультратовуш майдонида индийнинг электролитик чўктиришни ва катод чўкиндисининг электрохимиявий хоссасини текшириш» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1 уй)да танишиш мумкин.



ТЕЛЕВИЗОР

2 ОКТЯБРЬ
ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.25 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.30 «Ахборот» информацион программаси. **18.45** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ўринбосарлар». **19.25 ОЗАРБАЙЖОН ССР ВА ОЗАРБАЙЖОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН КУРСАТУВ.**

Ўзбек тилида: 21.25 «Ахборот» информацион программаси. **21.40** Раҳмат Файзийнинг адабий портрети.

МОСКВА КУРСАТАДИ

23.00 ОЗАРБАЙЖОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ОЗАРБАЙЖОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТАНТАНАЛИ ҚУШМА МАЖЛИСИ ҲАҚИДА РЕПОРТАЖ. 00.30 Озарбайжон санъат усталарининг концерти. **01.30** Волейбол бўйича жаҳон биринчилиги финал ўйинлари. Эркаклар. Кўрсатув Болгариядан олиб берилди. **02.40** Янгиликлар, кўрсатувлар программаси. **02.50** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
«ДУСТЛИК» ЭКРАНИ
ОЛМАОТА КУРСАТАДИ

18.00 Ўқувчилар учун. «Ильич набиралари». **18.25** «Здоровье» телевизион журнали. **18.55** «Сиз ёқтирган куйлар». Ўқитувчилар учун концерт. **19.30** Фактлар, воқеалар, хроника. **19.40** Янгим-терим кундалиги.

МОСКВА КУРСАТАДИ

19.55 Янгиликлар. **20.05** Ўқувчилар учун. «Ленин васиятларига содиқмиз». **20.30** Рангли телевидение. Фильм-концерт. **21.00** Янгиликлар. **21.05** Эфирда «Молодость». **21.25** «Улар биринчилардан эди». Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 «Шамоллар шаҳри». Телефильм.

Рус тилида: 20.20 «Сочи — 69». Фильм-концерт. **21.05** «Форвард ҳамиша олдинда». Ҳужжатли фильм. **21.35** «Паролнинг ҳожати йўқ». Бадиий фильмнинг 2-серияси

3 ОКТЯБРЬ
ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 17.10 Болалар учун. «Қувноқ минутлар». **17.35** Болалар учун мультфильм. **17.55** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Истиқбол эгалари». **19.00** «Ахборот» информацион программаси. **19.15** Эстрада шинавандалари, сизлар учун. **19.55** Кўрсатувлар программаси.

МОСКВА КУРСАТАДИ

20.00 «Ярим аср йилномаси». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильмнинг 1954 йил ҳақидаги серияси. **21.00** Янгиликлар. **21.05** Рангли телевидение. «Федра». Фильм-балет. **21.50** Киножурнал. **22.00** Француз республикаси президенти Ж. Помпиду билан суҳбат. **22.30** Интервидение. Симфоник куйлардан концерт. **23.30** «Вақт» информацион программаси. **00.40** «Кучук етаклаган вальс». Бадиий фильм. **02.05** Эстрада концерти. «Зангори экран» оркестрининг концерти. **03.05** Янгиликлар, кўрсатувлар программаси. **03.20** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАМА
МОСКВА КУРСАТАДИ

15.00 Меҳнат қаҳрамонларига шон-шарафлар! **16.00** «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. **16.30** Рангли телевидение. «Бременлик» машшоқлар». Мультфильм. **17.00** Эфирда «Молодость». «Усталар шаҳри». **18.00** «Фан ва техника» факультети. **18.40** Янгиликлар. **18.45** Санъат факультети. «Коммунистик жамият янги кишисини тарбиялашда музиканинг роли». **19.30** «Цирк майдонида». Телефильм.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 Ўзбекистон ёзувчилари. **20.20** Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси халқ чолғу оркестрининг концерти. **21.00** «Есенин лирикаси». Туғилган кунининг 75 йиллиги муносабати билан. **21.30** «Аршин мол олон». Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ДУШАНБА КУРСАТАДИ

18.00 Экран — болаларга. **19.00** Янгиликлар. **19.15** Стандартлаштириш ва техника прогресси. **19.35.** Музикали экран. **20.00** Футбол бўйича СССР биринчилиги. «ПОМИР» (Душанба) — «ҚАНРАТ» (Олмаота). Ўйинининг иккинчи тайми. **20.50** Оқшом эртаклари. **21.00** Сергей Есенин туғилган кунининг 75 йиллигига бағишланган адабий кўрсатув.

Тошкент оқшоми 4 бет.
2 ОКТЯБРЬ, 1970 й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22 партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари, 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими—33-28-95 эълонлар бўлими — 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579.
Нашр 3121
Р. 02855